

ЭРИ калитларини рўйхатга олиш Марказининг хизматларини кўрсатиш бўйича

Тошкент ш.

18 январь 2022 йил

“UNICON.UZ” - Фан-техника, ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси (“UNICON.UZ” ДУК), номидан директорнинг биринчи ўринбосари Х.П. Хасанов устав асосида фаолият юритувчи, бундан буён матнда “Бажарувчи” деб аталувчи, бир томондан, ва Ўзбекистон Республикаси марказий банк асосида фаолият юритувчи, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб аталувчи, бошқа томондан мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида тuzдилар:

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Ушбу Шартнома асосида Бажарувчи Электрон ракамли имзо калитларини Рўйхатга олиш маркази (кейинги ўринда- Марказ) қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- Буюртмачи, бундан кейин “ЭРИ калитлари эгалари” деб юритилувчи фойдаланувчиларга очик ва ёпик электрон ракамли имзо (ЭРИ) калити сертификатини тайёрлаб бериш.

1.1.1. Калитлар сони – **2 (Икки)**

1.1.2. ЭРИ калитлари сертификатлари сони – **2 (Икки)**

1.1.3. Ҳар бир ЭРИ калитлари сертификатларининг амал қилиш муддати 24 ой.

1.1.4. ЭРИ калитлари сертификатлари электрон кўринишда берилади.

1.2. Ушбу Шартномага асосан Бажарувчи қуйидаги хизматларни кўрсатади.

1.2.1. Очик ва ёпик ЭРИ калитларини тайёрлаш.

1.2.2. ЭРИ калити сертификатини бериш. Буюртмачи томонидан ЭРИ калит сертификатларини олиш учун Ариза ва ҳужжатларни такдим этганидан сўнг ва ушбу хизмат учун тўлов мажбуриятларини амалга оширганидан кейин 5 (беш) иш куни ичида ЭРИ калитлари сертификатларини Буюртмачига такдим этиши керак.

1.2.3. ЭРИ калити сертификатини ўзгартириш киритиш.

1.2.4. ЭРИ калити сертификатини муддатини узайтириш (2 мартадан кўп эмас).

1.2.5. ЭРИ калити сертификатини қайта расмийлаштириш ва қайта тайёрлаш.

1.2.6. Қўшимча ЭРИ калити сертификатини бериш.

2. ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

2.1. Ушбу Шартнома бўйича кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачи Бажарувчига 15% ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда **92 000 (Тўқсон икки минг) сўм** миқдорда ҳақ тўлайди.

2.2. Буюртмачи Бажарувчининг жорий ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк куни мобайнида Шартнома бўйича хизмат қийматининг 100 % миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ушбу Шартноманинг 1.2.2-1.2.4 бандлари бўйича хизматлар Буюртмачидан тегишли сўров такдим этилган вақтда амалдаги тарифларга мувофиқ алоҳида тўланади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Буюртмачи ҳуқуқга эга:

- ЭРИ калити сертификатлари муддати тугамасидан икки ҳафта олдин Буюртмачи ЭРИ калитлари эгаларига берилган ЭРИ сертификатларини амал қилиш муддатини узайтириш (қайта расмийлаштириш), тўхтатиб туриш, янгилаш ёки бекор қилиш учун сўров юбориш.

3.2. Бажарувчи ҳуқуқга эга:

- Рўйхатга олиш маркази талабларига мувофиқ Буюртмачи ЭРИ калити сертификатини олиш учун Ариза ва ҳужжатларни такдим этмаса ёки тўлиқ бўлмаган ҳолда такдим этса, Бажарувчи ЭРИ калити сертификатини рўйхатдан ўтказмаслик ва бермаслик ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачи мажбур:

- ЭРИ калити сертификатини бериш, ўзгартириш ёки янгилаш учун зарур бўлган даражада рўйхатга олиш ва аниқлаш маълумотларини такдим этиш;

- ЭРИ калити сертификатига ўзгартиришлар киритиш ва бериш учун такдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини таъминлаш;

- Бажарувчига ушбу хизмат учун тўловни ва Шартномани бажаришни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни, Бажарувчи томонидан хизматни кўрсатиш бўйича мажбуриятлари бажарган кундан бошлаб 10 календар кун ичида такдим этиш. Агар берилган шарт бажарилмаса, ЭРИ калити сертификати муддати тегишли ҳужжатлар такдим этилмагунгача тўхтатилади. Агар тегишли ҳужжатлар 1 ой муддатда такдим этилмаса, Шартнома автоматик равишда бир томонлама бекор қилинади ва амалга оширилган тўлов Бажарувчининг даромадида ўтказилади.

- ЭРИдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

3.4. Бажарувчи мажбур:

- Буюртмачининг ЭРИ калитлари эгаларига Бажарувчининг Рўйхатга олиш маркази хизматларидан фойдаланиш тартиби ва шартлари ҳамда ушбу хизматлар тарифлари тўғрисида зарур маълумотларга киришни таъминлаб бериш;

- ЭРИ калит сертификати берилиши муносабати билан Бажарувчининг Рўйхатга олиш марказига маълум бўлган ЭРИ калитлари эгаларининг шахсий маълумотларини ошкор қилмаслик ёки такдим этмаслик;
- ЭРИдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлар 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талабларга риоя этишга келишиб олдилар ва ушбу Шартнома шартларини бузганлик учун бир-бирлари олдида жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

4.2. Буюртмачининг ЭРИ калитлари эгаларининг ЭРИ калитлари ёрдамида электрон ҳужжатларни имзолашда ва бошқа ҳаракатларни бажаргани учун Ижрочининг Рўйхатга олиш маркази жавобгар эмас.

4.3. Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилмаган тақдирда Ижрочи ҳар бир кечиктирилган кун учун иш қийматининг 0,3% миқдорда, лекин хизматлар қийматининг 10% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлаш мажбуриятини олади.

4.4. Агар низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилинмаса, қонунда белгиланган тартибда судда кўриб чиқилади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Бажарувчи ва Буюртмачи ўртасида ушбу Шартномадан келиб чиққан ёки у билан боғлиқ низолар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда томонлар музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча чоралар кўрилади.

5.2. Агар низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилинмаса, қонунда белгиланган тартибда судда кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Буюртмачи ва Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди, агар улар фавқулотда вазиятлар натижасида бўлса: ёнгин, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар, ҳар қандай характердаги ҳарбий ҳаракатлар, ушбу Шартномани бажарилишини имконсиз қилувчи ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасидаги амалдаги Қонунчиликдаги ўзгаришлар, шунингдек давлат органлари томонидан ахборотни етказиш, такдим этиш ва улардан фойдаланишда чекловлар ўрнатилиши ёки томонлар назорати остида бўлмаган бошқа ҳолатлар.

6.2. Фавқулотда вазият юзага келганлиги тўғрисида тарафлар вазият юзага келган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида бир-бирларини мумкин бўлган барча воситалар билан хабардор қилишлари лозим.

6.3. Фавқулотда ҳолатларда ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати шундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қилган муддатга қолдирилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу Шартноманинг барча шартлари учинчи шахслар учун махфий маълумот ҳисобланади.

8.2. Ушбу Шартнома ҳар икки Томон томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин, бошқа Томон олдиндан 15 (ўн беш) календарь куни ичида бекор қилиш куни белгилангани ҳақида ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, мазкур Шартнома доирасида барча ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг Шартнома бир томонлама бекор қилинади.

8.3. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда киритилиб, томонлар вакиллари томонидан имзоланиб, муҳрлаб қўйилгандагина амал қилади.

8.4. Ушбу Шартнома тенг юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, улардан бири Буюртмачига, иккинчиси Бажарувчига топширилади.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

БАЖАРУВЧИ


"UNICON.UZ" ДУК
 Манзил: Тошкент ш., Мингбулок кўч. 38
 Телефон: (71) 208-80-94 (93) 590-55-74
 Хр 2021 0000 9001 5527 8001
 Банк: АТБ "Алоқабанк" Тошкент шаҳар
 МФО 00401
 СТИР (ИНН) 200898586
 ИФУҲ (ОКЕД) 72190



Хасанов Х.П.

БУЮРТМАЧИ

Манзил:
 Телефон:
 Хр
 Банк:
 МФО:
 СТИР (ИНН)
 ИФУҲ (ОКЕД)



Алдурахимов Б.Ҳ

